

## «АЛ-ЖОМЕЪ-АС-САҲИҲ» АСАРИНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРИХИ ВА ЎРГАНИЛИШИ

**Мамарасулова Шамсия Бахтиёр қизи**

Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси

2-курс магистранти

Тошкент. Ўзбекистон.

[mamarasulovashamsiya@gmail.com](mailto:mamarasulovashamsiya@gmail.com)

**Ғиясов Ахлиддин Бахриддин ўғли**

Тошкент Тиббиёт Академияси

6-курс толиби

Тошкент. Ўзбекистон

[akhliddingiyasov2020@gmail.com](mailto:akhliddingiyasov2020@gmail.com)

**Умматов Жамолиддин Қодирович**

Аниқ ва Ижтимоий фанлар Университети

1-курс магистранти

Тошкент. Ўзбекистон.

[Djizzakdjizzak400@gmail.com](mailto:Djizzakdjizzak400@gmail.com)

### АННОТАТСИЯ

Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихийлик, қиёслаш ва тавсифлаш методларидан фойдаланилди. Тарихийлик методида ҳадис илмининг шаклланиш босқичи, асарнинг ёзилиш тарихи ўрганилди. Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари структурасини ўрганишда таҳлил қилиш методидан, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини ўрганишда эса қиёслаш методларидан фойдаланилди.

**Калит сузлар:** Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ, табақа, ҳадисшунослик, ровийлар, ривоят занжирлари.

Имом Бухорийнинг ҳаёти, асарлари, ҳадис илмида тутган ўрни ҳақидаги маълумотлар ҳамма жойда мавжуд ва уни келтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки у зот бир овоздан “Энг ишончли тўплам” муаллифи деб тан олинган.

“Саҳиҳи Бухорий”ни аҳли суннат ва жамоат уламолари, мусулмон умматининг аксар қисми “Қуръон”дан кейинги энг ишончли манба деб билганлар. Шунинг учун, уламоларнинг ҳам, мусулмон умматининг ҳам

“Қуръон”дан кейинги энг катта ва энг кучли диққат-эътиборлари унга нисбатан бўлган, десак муболаға бўлмайди.

Имом Бухорийнинг шахсан ўзидан “Саҳиҳи Бухорий”ни 90 000 нафар киши ўқиганлиги манбаларда қайд қилинган. Асрлар давомида дунё уламолари “Саҳиҳи Бухорий”ни ўқишга, ўқитишга катта аҳамият бериб келганлар. Уни ўрганиб, тадқиқ ва таҳлил қилишга диққат қаратганлар. Имом Бухорий ёшлигидаёқ отаси вафот этиб, унинг тарбияси фақат волидаси кафолатида бўлган. Бирмунча улғайиб ақли расо бўлгач, унинг қалбида исломий илмларга, айниқса, Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларини ўрганишга ва ёдлашга мойиллик тобора кучая бориб, у даставвал Ибн ал-Муборак ва Вакийънинг ҳадисларга оид асарларини ёд олади.

Ибн Ҳажар “Муқоддиматул фатҳ” китобининг 665-саҳифасида Бухорий шайхлари ҳақида баён қилиб, уларни беш табақага бўлади.

Биринчи табақа, Бухорийга тобеинлардан ривоят қилганлар, улар озчиликни ташкил қилади.

Бешинчи табақа, Бухорийдан ёши ва санади қўйи бўлганлар, яъни талабалар қаторидаги муҳаддислар, булар ҳам озчиликни ташкил қилади.

Иккинчи, учинчи ва тўртинчи табақалар эса кўпчиликдан иборатдир.

Бухорий деган эди: “Киши ўзидан юқори ва ўз тенгқури, шунингдек ўзидан қўйи бўлганлардан ривоят қилмагунча, комил муҳаддис бўлолмайди”.

Бухорий вафотидан бир ой олдин айтган эди: “Бир минг саксонга муҳаддисдан ҳадис ёзганман”.

Ва яна Бухорий дейди: “100 минг саҳиҳ ҳадис, 200 минг саҳиҳ бўлмаган ҳадисни ёд биламан. Гоҳида Басрада эшитган ҳадисларимни Шомга келиб ёзиб қўяман. Шомда эшитганларимни эса Басрага келиб ёзиб қўяман”. “Мингдан ортиқ шайхдан ҳадис ёзганман. Уларнинг ҳар биридан ўн минг ва ундан ортиқ ҳадис ёздим. Ёзган ҳар бир ҳадисимнинг исноди хотирамдан кўтарилмаган”.

Илм-фан йўлида ўта фидоий эканликлари ҳамда ғоят ўткир ақл-заковат, баланд ҳиммат ва ақл бовар қилмайдиган даражада кучли қувваи ҳофиза соҳиби эканликлари Имом Бухорийга мисли кўрилмаган шону шараф келтириб, ул кишини буюк алломалар сафига киритди. Шу боисдан ҳам Имом Бухорийнинг Имом Молик ва Имом Абу Ҳанифанинг устозларидан бўлмиш кўплаб алломалардан ҳадислар ривоят қилганларини кўрамиз. Имом Бухорий ўн олти ёшга етгунча ўз юртларидаги машойихлардан ҳадис эшитиб, улардан сабоқ олади. Шундан кейингина Ҳижози шариф томон равона бўлади. Имом Бухорийнинг котиблари Ибн Абу Ҳотам Варроқ зикр қилишича, Имом Бухорий: «Ўн олти ёшга етганимда Ибн Муборак ва Вакийънинг китобларини ёд олиб, анавиларнинг гапларини билиб олдим. Сўнг волидам ва акам билан ҳажга

жўнадим», деган. Ул киши «анавилар» деб Хуросон ва Исфаҳоннинг баъзи ҳадисшуносларини назарда тутган.

Шундай қилиб, Имом Бухорий 825 йили оналари ва биродарлари билан биргаликда Маккаи Мукаррама-га етиб келиб, ҳаж ибодатини адо этгач, оналари ва биродарларини она юртларига қайтариб юбордилар. Сўнг, ўзлари Маккада қолиб, шаҳар машойихларининг илмий йнғинларида қатнаша бошладилар. Ўша пайтда Маккада бир қанча кўзга кўринган уламолар бўлиб, ҳадис илми соҳасида катта обрў-эътибор қозонганларидан Имом Абу Валийд Аҳмад ибн Арзакий, Абдуллоҳ ибн Язид, Исмоил ибн Солим Соиф, Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Зубайр ва аллома Ҳамидийларни кўрсатиш мумкин. Маккаи Мукаррамада бошқа бир неча олимлар ҳам бор эдики, Имом Бухорий улардан ҳам ҳадис илми бўйича сабоқ олдилар. Имом Бухорий ул ерда бир қанча муддат яшаганларидан кейин Мадинаи Мунавварага йўл олдилар. Бу ерга жаҳоннинг ҳар тарафидан илми набавийни ўрганмоқ учун илм толиблари оқиб келардилар. Имом Бухорий 827 йилда, яъни ўн саккиз ёшларида Пайғамбар алайҳиссаломнинг равзаи мубораклари қўйилган муқаддас шаҳар – Мадинаи Мунавварага кириб келдилар. Шу пайтда Мадинаи Мунавварада Иброҳим ибн Мунзир, Муторриф ибн Абдуллоҳ, Иброҳим ибн Ҳамза, Абу Собит, Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ, Абдулазиз ибн Абдуллоҳ Увайсий каби кўплаб машҳур уламолар мавжуд эдилар. Имом Бухорий ушбу уламолар билан мулоқотда бўлиб, улардан ҳам ҳадислар бўйича фойдали сабоқ олди, Имом Бухорий Ҳижози шарифга қилган бу рихлатлари давомида кечалари ой ёруғида ўтириб «Ат-Тарих ал-кабийр» («Катта тарих») номли китобларининг қоралама нусхасини ёзиб тугатдилар. Қатор тарихчиларнинг таъкидлашича, Имом Бухорийнинг Ҳижозга (Макка, Мадина, Тоиф, Жиддага) қилган бу сафарлари олти йил давом этган, Аммо, шу муддат давомида ул киши бўлак ерларга ҳам бориб келиб турганлар<sup>1</sup>.

Имом Бухорийнинг илм талабидаги сафарлари, устозлари ҳақидаги маълумотлардан бироз хабардор бўлгач, унинг “ал-Жомийъ ас-саҳиҳ” асари ёзилишига туртки бўлган омиллар қаердан келиб чиққани ойдинлашади.

Ибн Ҳажар Асқалоний “Фатҳул Борий” китоби муқаддимасида бунинг учта сабабини келтирган:

биринчиси: Имом Бухорий олдинги китобларнинг саҳиҳ, ҳасан ва заиф ҳадисларни ўзида жамлагани, уларнинг аксари заиф эканини кўради ва саҳиҳлигига шубҳа қилинмайдиган ҳадисларни жамлашга киришади.

Иккинчиси: устози Ибн Роҳавайҳ шогирдларига: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларининг саҳиҳини мухтасар ҳолда жамлаган китоб

<sup>1</sup> Қаранг: Убайдулла Уватов. Буюк муҳаддислар. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1998. – Б. 16–17.

ёзсангизлар эди”, дейди. Шундан сўнг Имом Бухорийда саҳиҳ тўпламни ёзиш иштиёқи пайдо бўлади.

Учинчиси: Имом Бухорийнинг ўзи айтади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни тушимда кўрдим. У кишининг рўпараларида турган эканман. Қўлимда елпиғич бўлиб, у кишини ўша елпиғич билан ҳимоя қилаётган эканман.

Туш таъбирини биладиган бир кишидан бу ҳақида сўрадим. У менга: “Сиз у кишини ёлғонлардан ҳимоя қилётган экансиз”, деди. Ана шу нарса мени “Саҳиҳ”ни ривоят қилишимга шижоатлантирди”<sup>1</sup>.

“Ал-Жомий ас-саҳиҳ”нинг ёзилиш тарихи шу. Энди унинг ўрганилиши ҳақидаги маълумотларни ўрганиб чиқиш лозим. Асарнинг ўрганилиши аввало, унга ёзилган шарҳлар орқали маълум бўлади.

Имом Бухорийнинг “ал-Жомий ас-саҳиҳ” асарига юзлаб шарҳлар ёзилган. Уларнинг машҳурлари “Олтин силсила: Саҳиҳул Бухорий” 1-жузида шундай келтирилган:

1. “Фатҳул-Борий шарҳу Саҳиҳил Бухорий”. Шиҳобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний Шофеъий.

2. “Ал-Кавкаб Дарорий фи шарҳи Саҳиҳил Бухорий”. Шамсуддин ибн Муҳаммад ибн Юсуф Кирмоний.

3. “Иршадус-сорий фи шарҳи Саҳиҳил Бухорий”. Шиҳобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Қасталоний Мисрий Шофеъий.

4. “Ат-Тавших шарҳ ал-Жамий ас-саҳиҳ”. Абдурраҳмон ибн Камол Абу Бакр Хузайрий Суютий.

5. “Умдат ал-қорий фи шарҳи Саҳиҳил Бухорий”. Абу Муҳаммад Бадруддин Маҳмуд ибн Аҳмад Айний Ҳанафий.

6. “Файзул Борий шарҳу Саҳиҳил Бухорий”. Муҳаммад Анваршоҳ Кашмирий<sup>2</sup>.

«Саҳиҳ Бухорий»ни европаликлардан дастлаб Крейзон деган олим инглиз тилига таржима қилиб, 1879 йилда Белк деган шаҳарда ўн жилдда нашр этган. Доктор Муҳаммад Муҳсинхон ҳам уни инглиз тилига таржима қилиб, нашр эттирган. Шунингдек, бу асар 1935 йилда олмониялик аллома Муҳаммад Асад (Исломни қабул қилиб, шу исмни олган) томонидан немисчага таржима қилиниб, мухтасар изоҳ билан икки жилдда нашр этилган. Асарнинг катта қисми 1936 йилда немис тилида Кембрижда ҳам нашр этилган. «Ал-Жомей ас-саҳиҳ»нинг дастлабки икки жилди Аҳмад Найим томонидан турк тилига ағдарилиб, 1928

<sup>1</sup> Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳ ал-Борий би шарҳ саҳиҳ ал-Бухорий. – Қоҳира: 1986. – Б. 38.

<sup>2</sup> Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ва бошқалар. Олтин силсила: Саҳиҳул Бухорий, 1-жуз. – Т.: “Hilol-nashr”, 2021. – Б. 84–85.

йили Истанбулда нашр этилган. Сўнг, Комил Мийрос деган олим унинг таржимасини охирига етказиб, қолган икки жилдини ҳам нашр эттирган.

«Саҳиҳ Бухорий»нинг француз тилидаги таржимаси О. Ходас ва В. Марсуйс деган олимлар томонидан 1903–1914 йилларда бажарилган бўлиб, Парижда нашр этилган (1984)<sup>1</sup>.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги йилларда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Олиму уламоларимизнинг саъйу ҳаракатлари билан Имом Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-саҳийх» асари тўрт жилдда Тошкентда ўзбек тилида чоп этилди. Алломанинг бошқа бир муҳим асари «Ал-Адаб ал-муфрад» («Одоб дурдоналари») ҳам бундан бир неча йил бурун ўзбек тилида нашр қилинган эди. 1974 йилда Ўрта Осиёва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг ташаббуси билан Ўзбекистонда Имом Бухорий таваллудининг ҳижрий ҳисобда 1200 йиллиги, шунингдек 1993 йил октябр ойида Самарқандда «Имом Бухорийнинг ҳаёти ва даври»га бағишланган Халқаро анжуман муносабати билан матбуотда қатор мақолалар эълон қилинган эди<sup>2</sup>.

Аҳмад Санубарнинг “Минан Набий ила ал-Бухорий” асарида ҳам Имом Бухорийнинг “ал-Жомий ас-саҳиҳ” асари, унга билдирилган эътироз ва танқидлар ва унинг ўзига хосликлари баён этилган<sup>3</sup>.

2014 йилда Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф бошчилигида “Олтин силсила” лойиҳаси бошланган ва ушбу йилда “Ал-Жомей ас-саҳиҳ”нинг биринчи жилди ўзбек тилига таржима қилинган. Ушбу таржимада ҳадисларнинг асл матни берилган, бундан ташқари баъзи сўзларга изоҳлар келтирилган. Ушбу таржима ҳам матн, ҳам таржима жиҳатидан ҳозирги кунгача чиққан энг мукамал асар ҳисобланади. 2019 йилда ушбу тўплам таржимаси ниҳоясига етказилиб, 8 жилдда нашр этилган.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан амалга оширилган таржима ҳам алоҳида эътиборга молик. Ушбу таржима 4 жилдда нашр этилган.

2021 йилда Аҳмад Муҳаммад Турсин томонидан “Соҳилсиз денгиз” асари чоп этилган. У Имом Бухорийнинг ҳаёт йўли, тақвоси, илмига бағишланган<sup>4</sup>.

О.Муҳаммадиев томонидан нашрга тайёрланган “Раббоний уламолар” китобида ҳам Имом Бухорийнинг илми, ҳаёт йўли ҳақида қимматли маълумотлар берилган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Убайдулла Уватов. Буюк муҳаддислар. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1998. – Б. 36.

<sup>2</sup> Қаранг: Убайдулла Уватов. Буюк муҳаддислар. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1998. – Б. 3–4.

<sup>3</sup> Қаранг: Аҳмад Санубар. Минан Набий ила ал-Бухорий. – Уммон, 2021. – 448 б.

<sup>4</sup> Қаранг: Турсунов А. Соҳилсиз денгиз. – Т.: “Hilol nashr”, 2021. – 256 б.

<sup>5</sup> Қаранг: Муҳаммадиев О. Раббоний уламолар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2022. – 294 б.

Имом Бухорийнинг ҳаёти, илмий меросига бағишланган тадқиқотлар ҳам юртимиздан мустақилликдан кейин амалга оширилган. Уларнинг дастлабкиси Б.Эшонжоновга тегишли. Тадқиқотчи 2000 йилда “IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом ал-Бухорийнинг мавқеи ва унинг “ал-Жомий ас-саҳиҳ” асаридаги фиккий масалалар” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган<sup>1</sup>.

Имом Бухорий ва бошқа муҳаддислар илмий мероси ҳақида кўп изланишлар олиб борган У.Уватов 2001 йилда “Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожидида тутган ўрни (ал-Бухорий, Муслим, ат-Термизий)” номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилган<sup>2</sup>. Олимнинг монографияси 2020 йил тўлдирилиб, қайта чоп этилган.

2020 йилда Н.Тўраев томонидан “Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асари ҳадис илмига оид муҳим манба” мавзусида PhD ҳимоя қилинган. Унда Имом Бухорийнинг ҳадисларни қабул қилиш, ровийларга оид шартлари тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

2021 йилда А.Иноятлов томонидан “Имом Бухорийнинг “ал-Жомей ас-Саҳиҳ” асаридаги тафсир илмига оид қарашлари” мавзусида PhD ҳимоя қилинган. Ушбу тадқиқот “ал-Жомей ас-саҳиҳ” асаридаги тафсирга оид ҳадислар таҳлилига бағишланган<sup>4</sup>.

Бундан ташқари, Имом Бухорийнинг ҳаёти, илмий меросига бағишланган битирув малакавий ишлари, магистрлик ишлари ҳам амалга оширилган. Ёш тадқиқотчилар томонидан келгусида ҳам бу каби тадқиқотлар қилиниши 3-ренессанс учун асос бўлиб хизмат қилади.

### **ХУЛОСА**

Материалларни таҳлил қилган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

- ҳижрий биринчи асрнинг охирида Умар ибн Абдулазизнинг буйруғи билан ҳадислар ёзила бошланган.

- III/IX аср ҳадис илмининг энг ривожланган «олтин даври» ҳисобланади. Зеро, олти ишончли тўпламни жамлаган муҳаддисларнинг асосий қисми шу асрда яшаган.

- ҳадис тўпламлари вужудга келиши билан бир қаторда ҳадисга оид илмлар ҳам ривожланган.

<sup>1</sup> Қаранг. Эшонжонов Б. IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом ал-Бухорийнинг мавқеи ва унинг “ал-Жомий ас-саҳиҳ” асаридаги фиккий масалалар. – Т.: 2000. – 175 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожидида тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, ат-Термизий). – Т.: 2001. – 314 б.

<sup>3</sup> Қаранг: Тўраев Н. Имом Бухорийнинг «ат-Тарих ал-кабир» асари ҳадис илмига оид муҳим манба. – Т.: 2020. – Б. 175 б.

<sup>4</sup> Қаранг: Иноятлов А. Имом Бухорийнинг “ал-Жомей ас-Саҳиҳ” асаридаги тафсир илмига оид қарашлари. – Т.: 2021. – 197 б.

- Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари Қуръони каримдан кейинги энг ишончли манба деб қабул қилинган.

- “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарига 100 дан ортиқ шарҳлар ёзилган.

- асар Европада инглиз, немис, француз тилларига таржима қилинган.

- Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ўзбек тилига 3 марта таржима қилинган.

- Имом Бухорий ва унинг илмий меросига доир ўнлаб тадқиқотлар амалга оширилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 77 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон (НМИУ), 2017. – 488 б.
3. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. Сулаймония кутубхонасидаги Ая София фонди, 679-инв. рақам.
4. Махтута Саҳиҳ ал-Имам ал-Бухарий. Муҳаммад ибн Сауд ислом университети фонди. Инв. рақ. 6546.
5. Абдуссалом ал-Муборакфурий. Сийра ал-Имам ал-Бухарий. – Макка: Дор олам ал-фавоид, 2000. – 2 ж. – 751 б.
6. Аҳмад Санубар. Минан Набий ила ал-Бухарий. – Уммон, 2021. – 448 б.
7. Жалолиддин Суютий. Ат-Тавшиҳ шарҳ жомеъ ас-саҳиҳ. – Ар-Риёз: “Мактаба ар-рушд”, 1998. – 4512 б.
8. Эшонжонов Б. IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом ал-Бухорийнинг мавқеи ва унинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асаридаги фикҳий масалалар. Номзодлик диссертацияси. – Т.: ТИУ, 2001. – 175 б.
9. Ҳорис Мухосибий. Рисолатул мустаршидийн (Абдулфаттоҳ Абу Ғудда таҳқиқи). – Ҳалаб: Дорус салом, 1983. – 220 б.
10. Carl Brockelmann. Geschichte der arabischen Litteratur Supplementband. I, – Leiden